*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 63 (5. 954) • 1986 йил 17 март, душанба • Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитетида учрашув

КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарлари билан учрашув бўлди. Совет матбуоти, телевидение ва радиосининг КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. У съезд ҳаётнинг ўзи ўртага қўйган саволларга жавоб қайтариб, партия ва халқни совет жамияти тараққиётининг янги, бурилиш босқичида программавий ҳужжатлар, жадаллаштириш стратегияси билан қуроллантирганлигини таъкидлади. Съездда Марказий Комитет апрель Пленумининг йўли тўла-тўкис маъқулланди. Ҳозирги кунда энг асосий вазифа съезд вужудга келтирган вазиятни сақлаб қолишгина эмас, шу билан бирга уни ҳар томонлама ривожлантириш, бойитиш, ғоялар ва ишлар билан тўлдириш, КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш йўллари тўғрисида матбуотда ошкора, тўғридан-тўғри гап юритишдан иборатдир. Амалий ишлар, ташаббуслар кўпроқ бўлсин, қуруқ сўзлар ва дабдабабозликлар камроқ бўлсин.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишларни 1986 йил ва умуман ўн иккинчи беш йиллик планларини бажаришга қаратиш зарур. Хўжалик механизми ва бошқарувни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни изчиллик билан ҳал этиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳамма жойда хўжалик ҳисобини жорий этиш, маҳсулотнинг ва умуман ишнинг юқори сифатли бўлиши учун, резервлардан тўла фойдаланиш, меҳнат, ишлаб чиқариш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш учун кураш — экономика соҳасидаги асосий йўналишлардир.

Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетига, редакцияларга ёзаётган хатларида тартиб ўрнатиш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, турли салбий ҳодисаларга қарши кураш борасидаги тадбирларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Олдинда турган ишларнинг кўлами ва янгилиги шундаки, бу оддий ишчидан тортиб министргача ҳамманинг фикрлашини тубдан қайта қуришни, умуман иш услубини яхшилашни тақозо этади. Бу соҳада бюрократизм — асосий душман. Матбуот эса бюрократизмни ҳеч чекинмай фош этиши лозим. Партия шунга аминки, деб таъкидлади М. С. Горбачев, матбуот бу йўналишда зўр ғайрат билан ва асосли равишда иш олиб боради. Унинг бутун фаолияти жадаллаштириш ғоясига бўйсундирилиши керак. Газета саҳифаларида, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларида ҳаётнинг ўзи жўш уриб туриши, меҳнаткашларнинг ўзлари воқелигимизга кириб келаётган янгиликлар ҳақида, ўз ташвишлари ва режалари тўғрисида ўз тилларида сўзлаб беришлари керак. Кишиларнинг таланти рўёбга чиқиши учун, уларнинг ижодий потенциалини ривожлантириш, омманинг ташаббусини фаол қўллаб-қувватлаш соҳасида матбуот кўп иш қилиши мумкин.

Партиянинг социал программасини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларимизнинг роли беқиёсдир. Бу оддий масала эмас, у партия, барча давлат, жамоат ташкилотларининг диққат-эътиборини талаб этади. Аммо бу ғоят муҳим масала ҳамдир, чунки у бевосита инсонга, унинг турмушига, унинг меҳнатига ва жамиятдаги ўрнига тааллуқлидир. Худди шу боисдан социал проблемаларнинг бутун комплексига матбуотнинг эътибори доимий, айтишим мумкинки, қатъий бўлиши лозим. Бу матбуот саҳифаларида ҳар куни жой олишга арзийдиган мавзудир.

Алоҳида тилга олиш лозим бўлган яна бир масала бор. Гап давлатимизнинг сиёсий системасини янада ривожлантириш тўғрисида, социалистик ҳаётимизнинг демократик негизини ҳар томонлама такомиллаштириш ва чуқурлаштириш ҳақида бормоқда. Социализмсиз чинакам демократия бўлмаганидек, аслида демократиясиз социализм ҳам бўлмайди. Биз мана шу узвий боғлиқликни кенг кўламда кўрсатиб беришимиз керак. Шу муносабат билан бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз ҳам социалистик демократиянинг энг ёрқин кўринишларидан бири эканлигини айтиб ўтмоқ лозим. Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали ҳаётнинг энг ўткир проблемалари шу қадар кескин, ошкора, самимий, манфаатдорлик билан муҳокама қилинадиган давлатни социалистик системадан ташқарида топиб бўлмаса керак. Бу амалдаги социалистик демократиянинг ўзидир. Съезд вужудга келтирган бундай вазиятни бундан буён ҳам ривожлантириш, амалийлик, ишга танқидий ва ўз-ўзини танқид муносабатида бўлиш руҳини мустаҳкамлаш, ҳар қандай хотиржамликка берилишни, ютуқларга маҳлиё бўлишлик ва шу кабиларни улоқтириб ташлаш керак. Чунки хотиржамликка берилиш, ютуқларга маҳлиё бўлиш бу бизнинг йўлимиз эмас.

Ҳозирги вақтда ҳаёт вужудга келтираётган тажрибани, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш проблемасини ҳал этишга қаратилган тажрибани заррачалари билан тўплашдан кўра зарурроқ ва ҳаётий муҳим вазифа йўқ. Қўлимизда стратегик йўл-йўриқлар бор, биз нима қилиш кераклигини ва қандай мақсадларга эришиш зарурлигини яхши биламиз. Бироқ бугунги кунда ҳар бир соҳада — хоҳ ишлаб чиқариш, бошқариш бўлсин, хоҳ жамоат ташкилоти иши, хўжалик механизми, партия фаолияти бўлсин, бизга ишнинг амалий тажрибаси зарур. Инсоннинг социал тажрибасидан бойроқ нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай экан, матбуотимиз, радио ва телевидениемиз ана шу тажрибанинг чинакам минбари бўлиб қолиши лозим. Шундай экан, матбуот кишиларнинг стратегик проблемаларимизни ва кундалик вазифаларимизни ҳал этишга қаратилган ижодий ташаббусларини тўғри, қатъий ва изчиллик билан, ҳар томонлама акс эттиришга эришиши лозим.

Совет кишилари партиянинг мамлакатда маънавий иқлимни соғломлаштириш, коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтириш борасидаги ишларини чин қалбдан маъқулламоқдалар. Бу соҳада кўп нарса оилага, болалар тарбиясига нисбатан қилинадиган диққат-эътиборга боғлиқ. Матбуотимиз, адабиёт ва санъатимиз оилани мустаҳкамлашга кўмаклашмоғи керак.

Умуман одамлар тўғрисида ғамхўрлик, социал соҳа биринчи ўринда, кам деганда — ишлаб чиқариш билан баравар туриши керак.

Бутун халқнинг зўр куч-ғайрат билан қиладиган сифатли меҳнатигина экономика тараққиётини жадаллаштиришни, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашни таъминлаши мумкин. Биз жуда қизиқарли, қийин ва жиддий даврда яшамоқдамиз. Иш ва яна иш — бу шу куннинг талабидир. Партия съезди қарорларининг ҳар бир сатри учун олишиш, тўла маънода олишиш керак. Планлар ва топшириқларнинг бажарилиши устидан қаттиқ, кундалик контрол ўрнатиш — матбуотнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Синфий душманларимиз планларимиз амалга оширилишининг реаллигига шубҳа туғдириш учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Биз ўз меҳнатимизни, қудратли потенциалимизни, совет халқининг ғайрат-шижоати ва ватанпарварлигини уларнинг кирдикорларига қарши қўймоқдамиз.

Мамлакатнинг ташқи сиёсати, партиянинг XXVII съезди ишлаб чиққан халқаро ишлардаги йўли ички сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Улар бир мақсадга — социализмни мустаҳкамлаш манфаатларига, меҳнаткашлар манфаатларига, халқаро тинчлик манфаатларига бўйсундирилган. Бу ҳақиқатни Ер юзидаги ҳамма кишиларга етказиш зарур.

Фикр-мулоҳазаларни ўзаро ўртоқлашишда «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, «Советский Союз» журналининг бош редактори Н. М. Грибачев, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси А. Н. Аксенов, «Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси В. М. Фалин, ТАСС бош директори С. А. Лосев, «Экономическая газета»нинг бош редактори Б. Г. Владимиров, «Социалистическая индустрия» газетасининг бош редактори А. А. Баранов, «Советская женщина» журналининг бош редактори В. И. Федотова қатнашдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев ва КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев қатнашдилар.

(ТАСС).

**Замондошимиз**



Экскаватор заводида ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топаётган ёшлар кўп. Шулардан бири комсомол аъзоси Ҳамидулла Абдуллаевдир. Ҳамидулланинг 86-шаҳар ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, бу ерга ишга келганига тўққиз йил бўлди. У ўзининг синчковлиги, ҳаракатчанлиги туфайли қисқа вақтда токарлик касбини пухта эгаллаб олди. Ҳозирги пайтда смена топшириқларини мунтазам 140—160 процентга етказиб, маҳсулотнинг асосий қисмини аъло сифат билан тайёрлаяпти. Илғор ишчи катта жамоат ишларини ҳам бажаряпти. У 1-механика цехи комсомол ташкилотининг секретари, халқ депутатлари Куйбишев район Советининг депутатидир.

Ҳозир экскаватор заводида КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун кураш кенгаймоқда. Бу курашда ёш ишчи Ҳ. Абдуллаев ҳам фаол иштирок этяпти. У партиямиз съезди қарорларидан илҳомланиб, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан аввал бажариш учун курашяпти.

СУРАТДА: илғор токарь, комсомол аъзоси Ҳамидулла Абдуллаев.

М. Нуриддинов фотоси.

# Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

**Халқ депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети навбатдаги мажлисида шаҳарни ривожлантириш бош планининг амалга оширилиши ва лойиҳа-смета ишларини такомиллаштириш бўйича назорат юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси ва унинг лойиҳа институтлари иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.**

Шу нарса таъкидландики, архитектура-планлаштир и ш Бош бошқармаси, унга қарашли институтлар Тошкент шаҳри ва унинг шаҳар атрофи зоналари бош планини амалга ошириш, лойиҳа-смета ишларини такомиллаштириш бўйича муайян ишларни олиб борди.

Шу билан бир қаторда 1983—1985 йиллар ичида Бош планнинг амалга оширилишини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, санитария жиҳатдан зарарли бўлган саноат корхоналари ва бошқа хўжаликларни янги жойларга кўчириш ва қайта жойлаштириш ишлари суст ҳал этилмоқда.

Бош планни амалга оширишда номутаносиблик, шунингдек турар жой ва коммунал-маиший қурилишдаги орқада қолишлар муносабати билан ҳам кўпайган. Масалан, ўн биринчи беш йилликда турар жой қурилиши ҳажми бош план бўйича 6 миллион квадрат метрга етказилиши керак эди. Амалда эса 4,7—4,9 миллион квадрат метр турар жой қурилди, холос.

1981—1985 йилларда қишки кинотеатрлар қурилиши бор-йўғи 20 процент амалга оширилди, холос. Мактаблар 70 процент, мактабгача болалар муассасалари қурилиши 96 процентни ташкил этди, 24,7 минг квадрат метр савдо майдони кам қурилди.

«ТашНИИПИгенпл а н», «Ташгипрогор» ва шаҳарнинг бошқа лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиққан лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳамон пастлигича қолиб келяпти. Лойиҳа институтлари авторлик назоратини етарли савияда олиб бормаётир.

Бугунгача Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ягона экспертиза органи ташкил этилмади.

Лойиҳа ишларини автоматлаштириш савиясини ҳам тубдан яхшилаш талаб этилади. Лойиҳалашнинг сифатини бошқариш комплекс системасини яратиш шаҳарсозлик комплекси тўғрисидаги Низомга мувофиқ суратда турар жой микрорайонлари қурилиши бўйича планлаштириш-лойиҳа ишларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида шаҳар тармоқларини ва коммуникацияларини графикдан ўзган ҳолда ривожлантиришни таъминлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Тошкент шаҳрида инженерлик тармоқлари ва иншоотларини графикдан ўзган ҳолда ривожлантириш мақсадида архитектура-планлаштириш Бош бошқармасига, шаҳар план комиссиясига 1986 йилнинг 15 апрелигача шаҳарни 1981—1990 йилгача ривожлантириш комплекс программасини, 1988—1989 йиллар учун турар жой ва коммунал қурилишини ҳал этиш лойиҳасини ҳамда 1987—1988 йиллар учун адресли программани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Қарорда Тошкент шаҳрини бош план бўйича реконструкция қилиш ва қуриш бўйича белгиланган ишларни бажаришдаги ортда қолишларга барҳам бериш, 1986—1988 йилларда аввал қурилган микрорайонларни телефонлаштиришни ниҳоясига етказиш бўйича тадбирлар кўзда тутилди.

Архитектура-планла ш т и риш Бош бошқармасининг иши етарли эмас ва у шу куннинг талабларига жавоб бермайди, деб топилди.

Координация совети ишларидаги нуқсонларга барҳам бериш ва унинг ишини активлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

## Туб бурилиш босқичида

# ИШЧИ СЎЗИ

**12 март куни газетамизда Сергей Татурнинг «Ҳақиқат сабоқлари» публицистик очерки босилган эди. У газетхонлар ўртасида кенг акс садо берди. Эслатиб ўтамиз: ёзувчи С. Татур КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун қандай яшамоғимиз, қандай меҳнат қилмоғимиз ҳақида фикр юритиб, съезд қарорлари руҳига номувофиқ салбий ҳодисалар ҳақида ўткир, баъзан мунозарали формада сўз юритган эди. Очерк газетхонлар ўртасида зўр қизиқиш уйғотди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси станокчилар бригадири, КПСС XXVII съезди делегати Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ ҳам унга ўз муносабатини билдирди.**

У редакцияга ўзининг самимий фикр ва ўйлари билан келиб, бугунги кунда кўпчиликни ҳаяжонлантираётган нарсалар ҳақида атрофлича чуқур гаплашиб олишни таклиф қилди. Қуйида ушбу суҳбатни ўзгаришсиз келтирамиз. Ўйлаймизки, бундай жонли суҳбат кўплаб оқшомхонларда қизиқиш уйғотади. Сизнинг мулоҳазаларингизни кутамиз.

**Мухбир:— Владимир Тўйчиевич, аввало сиз съездга қандай қувончли, ҳаяжонли кайфият билан борганлигингиз ҳақида газетхонлар билан ўртоқлашсангиз.**

**Одилов:** —Мен съездга фақат тўлқинланиш ва қувониш учунгина борганим йўқ. Мен ўзимни ва ўртоқларимни қийнаган саволларга жавоб топиш учун бордим. Таъкидлайманки, айнан қийнаган. Сиз менинг ушбу сўзларимни босиб чиқарасизми ёки йўқми, билмадим.

**Мухбир:—Ташвишланманг, босиб чиқарамиз. Энди шундай қиламиз.**

**Одилов:**— Мен бунда ҳам съезддан кейин, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Пленумларидан кейин ижтимоий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришларни кўряпман.

Бутун ишчилар синфи номидан гапирмайману, бироқ, ўз бригадам номидан, авиабирлашма ишчилари номидан айтишим мумкинки, ушбу масалалар уларни ҳам тўлқинлантираётган эди. Бизни нима кўпроқ қийнаган, бунинг устига — ишлашга халақит берган эди? Кўп нарса. Айрим раҳбарларнинг дабдабабозлиги, баландпарвозлиги, масъулиятсизлиги. Ҳаммасидан ҳам сўз билан ишнинг орасидаги катта фарқ. Бу ҳақда съездда баралла айтиб ўтилди.

Ўтган йилларда биз ютуқлар ҳақида ноғорачалардик, камчиликлар ҳақида эса нотипик, онда-сонда рўй берувчи ҳодиса сифатида силлиққина гапирардик. Худди шу нарса, айтилаётган гаплар билан амалдаги ишлар ўртасидаги узилишни вужудга келтирди. Биз— мақтанчоқлик деб айтишларидан қўрқмайман — мардона ва ҳалол ишлардик. Ёнимизда эса кимдир олғирлик қилар, меҳнати билан яшамас, хизмат лавозимидан жамиятга зарар келтирган ҳолда ўз манфаати йўлида фойдаланар эди. Бунинг устига булар кўпинча раҳбарлар бўлиб, нафақат хўжалик, балки партия ходимлари ҳам эдилар. Бу ҳалол меҳнати билан яшашга ўрганган ишчи киши кайфиятига қандай таъсир қилганини биласизми? Агар бизнинг партияга, унинг принципиаллигига, мардлигига, мусаффолиги кучига чексиз ишончимиз бўлмаганида эди, қўл қовуштириб ўтираверишимиз мумкин эди. Балки, қанча гапирсанг ҳам барибир ҳеч нима ўзгармайди деб кўникканлар ҳам бўлгандир.

(Давоми 2-бетда).

## Пешқадамлар сафида

«Главташкентстрой»ни н г 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасининг Владимир Мехов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзолари номини бошқарма коллективи ҳурмат билан тилга олади. Чунки бригада аъзолари бир неча йиллардан бери ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафидан ўрин эгаллаб келяпти. Ҳозир коллектив Хуршид кўчасида бунёд этилаётган тўққиз қаватли 240 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси қурилишини жадал суръатларда олиб боряпти.

Бригаданинг Ю. Велихов, В. Хайнов, А. Собиров сингари қурувчилари смена топшириқларини 120—130 процентга адо этишиб ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

КПССнинг XXVII съезди шарафига социалистик мусобақада пешқадам ўринлардан бирини эгаллаган бригада аъзолари икки ойлик планни муддатидан илгари адо этишган эди. Ҳозир улар биринчи квартал планини белгиланганидан 10 кун илгари туғаллаш ва планидан ташқари 2000 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлашган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

**«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун «Гулистон» журнали Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**

**О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**

**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри.
1986 йил 14 март.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун «Гулистон» журнали бўлимининг катта редактори ўртоқ Анвар Саидумаровга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

«Гулистон» журналининг ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

* * *

**(«Гулистон» журналининг 60 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).**

## Ёзги вақтга ўтилади

СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси хабар қиладики, 30 март, якшанба куни Совет Иттифоқининг бутун территориясида ёзги вақт жорий этилади.

Ёзги вақтга ўтиш учун 30 март куни соат 2 да соат стрелкаси бир соат олдинга суриб қўйилади.

**Саҳифага 100 сатр**

## Делегат билан учрашув

**БУГУН**

**Куйбишев район партия комитетида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши бўлди. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, мамлакат коммунистлари анжуманининг делегати И. Х. Мусин КПСС XXVII съезди иши тўғрисидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Шунингдек у КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича коллектив олдида турган вазифалар тўғрисида ҳам сўзлаб берди.**

**КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг консультанти, иқтисод фанлари доктори В. М. Кузнецов «КПСС XXVII съезди якунларига доир» мавзуида доклад қилди.**

## Шаҳримиз спорт майдонларида

### Регби

Республикамиз пойтахтида Тошкент политехника институти спорт клуби соврини учун регби бўйича анъанавий XVI Бутуниттифоқ турнири ўтмоқда. Мусобақада олий лигада қатнашаётган «Локомотив» (Москва), «Сокол» (Львов), «Электромаш» (Тирасполь) командалари, шунингдек Тошкент, Олмаота, Пенза ва Красноярск регбичилари иштирок этишмоқда.

Турнирнинг дастлабки матчида майдон эгалари— ТошПИ студентлари тажрибали рақиблари — москвалик темирйўлчилардан енгилишди. Иккинчи беллашувда тошкентликлар олмаоталик спортчилар устидан 28:3 ҳисобида ғалаба қозонишди.

**БУГУН**

учинчи тур ўйинлари бўлади. Турнир ғолиби ва совриндорлар 24 мартда аниқланади.

## Мамлакатимиз спорт майдонларида

### Футбол

**КЕЧА**

олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» (Москва)— «Торпедо» (Кутаиси) — 2:0, «Қайрат»— «Динамо» (Тбилиси) — 0:0, «Металлист» — «Динамо» (Москва) —1:2, «Зенит»— «Днепр»—3:0, «Спартак» (Москва)— «Шахтёр»— 1:3, «Жальгирис» — «Черноморец» —1:0, «Динамо» (Киев)—«Арарат»— 2:0, «Динамо» (Минск) —«Нефтчи» —3:1.

## Билдириш

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики XIX чақириқ Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси 1986 йил 20 мартдан 27 мартга кўчирилади.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.**

